

---

## Ёз – ўтмоқда соз! МАКТАБ ОРОМГОҲИ БОЛАЛАРГА ЎЗ БАҒРИНИ ОЧДИ

Болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ташкил этиш, уларнинг оромгоҳларда дам олиши ва билим орттириши учун Марғилон шаҳрида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан бугун шаҳримиздаги 17-умумтаълим мактабида Ёзги оромгоҳ ўқувчиларга ўз бағрини очди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокими сўз олиб, мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан етук, баркамол вояга етишларини таъминлаш, хусусан, болаларини соғломлаштириш, ёзги таътилни мазмунли ўтишини ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляётганлиги таъкидланди.

Ушбу оромгоҳда болалар турли фан тўғаракларига қатнашиш билан биргаликда, мусиқа, спорт ва билим беллашувларида ҳам иштирок этишади. Айниқса чет тили тўғараклари машғулотларини малакали мутахассис ва ўқитувчилар томонидан олиб борилиши таъминланган.

2022-06-08 16:29:13